

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш мавсуми олдидан семинар бўлиб ўтди



Бугун Қумқўрғон туман ҳокими Анвар Нормаматов, сектор раҳбарлари, ташкилот ва корхоналар иштирокида туман ҳудудида яшил боғ яратиш, мевали ва манзарали дарахт, гул кўчатларини экиш, йўл бўйларини ободонлаштириш бўйича семинар ўтказилди.

Ҳозирда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудларда дарахт экиладиган жойлар ободонлаштирилиб, кўчат экиш учун хандак қазиш ишлари олиб борилмоқда.

Туман ҳокими томонидан ҳар-бир ҳудудга бириктирилган масъулларга кўчат экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.